



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 20.04.2022 г. № 2

между "ISHONCH ALO SIFAT QURILISH" MCHJ и OSD Sirdaryo vil. hududiy bo'limi на общую сумму 179000000,00

Глава \_\_\_\_\_ 011  
Казначейский лицевой счёт \_\_\_\_\_ 401010860244017033232011002

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4331200			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель	179 000 000,00			179 000 000,00
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>179 000 000,00</b>			<b>179 000 000,00</b>

Всего 179000000,00 сум

Сто семьдесят девять миллионов сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 53700000,00 сум или 30,00%\*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20\_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



(подпись)

Бегматов Фаррух Мамуржонович

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Усманов Музаффар Эркинович

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения \_\_\_\_\_

(подпись)

Получил работник заказчика \_\_\_\_\_

(подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 2

“ 20 ” апрель 2022 йил

Гулистон шаҳри.

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган **Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бўлими** номидан *Низом* асосида иш юритувчи бўлим бошлиғи **Ф.М.Бегматов** бир томондан ва **“ISHONCH ALO SIFAT QURILISH ” маъсулияти чекланган жамият** кейинги ўринда **“Пудратчи”** деб юритиладиган номидан *Низом* асосида иш юритувчи раҳбар **Т.Мадраимов** иккинчи томондан **Жинойат ишлари бўйича Янгиер ва Гулистон туман судлари биносини том қисмини капитал таъмирлаш** объектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**1. ТАЪРИФЛАР**

-Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**Ижро ҳужжатлари** натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгартиришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар. айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалар ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**Қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектининг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**Вақтинчалик иншоотлар** -Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**Беркитиладиган ишлар** -сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**Шартнома нархини бўлиб чиқиш** -ишларнинг хар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларда тақсимлаш.

**II. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ.**

-Пудратчи **“ISHONCH ALO SIFAT QURILISH” маъсулияти чекланган жамият** мазкур шартнома шартларига асосан лойиҳада кўзда тутилган **Жинойат ишлари бўйича Янгиер ва Гулистон туман судлари биносини том қисмини капитал таъмирлаш** объектида таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.**

-Мазкур шартнома бўйича Пудратчи (ягона солиқ тўловчи) танлов савдоси натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (**2022 йил 15 апрелдаги № 65718-сонли баённома**) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда, Қўшимча Қиймат Солиғи билан **179 000 000 (Бир юз етмиш тўққиз миллион )** сўмни ташкил этади.

Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Қурилиш қийматини қўпайтиришган энгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

-Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманиннг II бўлимда назарда тутилган ишларини бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари (бош пудратчи ташкилотининг иш хажми 50 фоздан



кам бўлмаслиги керак) ёки жалб қилинган кучлар бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш; Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

Пудратчи тузилган пудрат шартномалари бўйича буюртмачига маълумот тақдим этиш; Қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари транспорт воситалари, анжомлар, приборлар инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

Қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулк жавоб беради.

## **V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ**

-Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 4- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугаланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида Пудратчига ишларини қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.**

-Қурилишнинг давом этиш вақти ушбу шартнома имзоланиб, бўнак (аванс) тушган кундан бошлаб 20 (йигирма) кунни ташкил этади

Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## **OVII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР.**

-Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, аванс ўтказида, бу **53 700 000 (Эллик уч миллион етти юз минг)сўм** ташкил этади.

Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қилиниши ҳисобга олган холда, бажарилган ишлар (ҳисоб фактура) қийматининг 100 фоизи миқдорида хар ойда амалга оширилади.

VII бўлим 13 бандида кўрсатиб ўтилган ҳисоб-китоб тўловлар буюртмачи томонидан пудратчига 3 банк кун ичида амалга оширилади.

Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

-Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини-техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назорати амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб - ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.



Пудратчи техник аудитори ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни хал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришларни мустақил равишда ташкил этади.

Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Қурилиш майдони умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

Буюртмачининг қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда, Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларини беради.

Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координаталари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хато аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли ўзгартиришларни ўз ҳисобидан киритади.

Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координаталар ва баландликлар геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

Алоҳида маъсулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан икки кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва

“Даврархитектқурилишназорат” инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг “Даврархитектқурилишназорат” инспекцияси билан келишган шартларда беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларнинг уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 31-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига



таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан кониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини кўриш мажбуриятини уз зиммасига олади .

#### **IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунча ва қурилиш тугалланган объект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада қўриқланиши таъминлайди.

Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол- мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради .

#### **X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ .**

Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этадилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консерватция қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШИ .**

Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибда мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши ту галланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаш керак.

Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XII. КАФОЛАТЛАР**

-Пудратчи:

Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиши учун қўлланиладиган қурилиш материаллари. асбоб- ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилаган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди,

Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида **12** ой этиб белгиланади.

Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддат нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.



Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “Давархитектуручилишназорат” органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишни истисно этмайди.

### **XIII. ШАРТНОМА БЕКОР ҚИЛИШ**

-Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда:

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда:

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даража бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

-Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб ҳуқуқига эга.

Шартнома бекор қилинганда тарафларнинг розилиги билан тузилган келишув битимига асосан Буюртмачи ва Пудратчининг тугалланмаган қурилиш 25 кун муддатда Буюртмачига топширади ва ўзаро тўлиқ ҳисоб-китоб қилади.

Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади, ушбу билдиришномани олган тараф 15 кун ичида жавоб бермаган тақдирда, ушбу масала суднинг қарорига асосан бекор қилинади.

Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасино.

### **XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

-Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон;

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,4** фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартномага шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **0,4** фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,4** фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказилиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,4** фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи “Давархитектуручилишназорат” инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек



Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **0.4** фоизи микдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

Муддат ўтказиб юборганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Сирдарё вилоят суди томонидан кўриб чиқилади.

#### **XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР**

Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

Мазкур шартнома Сирдарё вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради.

Шартнома муддати **31.12.2022** йилгача.

#### **XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ**

##### **«БУЮРТМАЧИ»**

Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти  
Сирдарё вилоят ҳудудий бўлими

Гулистон шаҳри И.Каримов кўчаси 75- уй  
Шхр: 401010860244017033232011002  
ИНН 207251477 ОКОНХ 84111  
Молия вазирлиги Ғазначилик бошқармаси  
Х/р 23402000300100001010, МФО 00014  
МБ ХККМ Тошкент шаҳар Б.Б.  
СТИР: 201122919



Боғлиқ

Ф.Бегматов

2022 йил.

##### **«ПУДРАТЧИ»**

«ISHONCH ALO SIFAT QURILISH» МСНУ

Гулистон шаҳар. Истиклол МФЙ,  
Янги қурилиш кўчаси 13 уй

Х/р 2020 8000 6051 0842 4001  
МФО 00855

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ  
Сирдарё вилоят Минтақавий филиали,  
СТИР: 306 608 993 ОКЕД:



Раҳбар

Т.Мадраимов

2022 йил.

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 65718 на приобретение ЖИБ Янгиер ва Гулистон туман суди том кисмини капитал таъмирлаш ишлари учун**

Способ проведения электронный

Дата 15.04.2022

Время рассмотрения 15.04.2022 11:10

Конкурсная комиссия Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Сирдарё вилояти худудий бўлими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	BEGMATOV FARRUX MAMURJONOVICH	Бўлим бошлиғи	ОСД Сирдарё вилоят
<b>Член комиссии</b>	BEGIMQULOV HAMZA JO'RAQUL O'G'LI	АКТ Муҳандиси	ОСД Сирдарё вилоят
<b>Секретарь комиссии</b>	ASLANOVA IRODA ZAYNIDDINOVNA	Раҳбар котиби	ОСД Сирдарё вилоят
<b>Член комиссии</b>	CHULPANOV MUHIDDIN ODILJONOVICH	Бош мутахассис	ОСД Сирдарё вилоят
<b>Член комиссии</b>	USMANOV MUZAFFAR ERKINOVICH	Бош ҳисобчи	ОСД Сирдарё вилоят
<b>Член комиссии</b>	BAYZAKOV MURODJON SHERALIYEVICH	Ҳўжалик мудири	ОСД Сирдарё вилоят

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.04.2022 года № лота 65718.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 75

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по капитальному ремонту зданий</b>
Подробное описание	ЖИБ Янгиер ва Гулистон туман суди том кисмини капитал таъмирлаш ишлари учун
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	179 118 620.00
Стартовая сумма	179 118 620.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Техникалар хақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклиф иштирокчиси зарурий техникалари тўғрисида маълумот беради

Обязательность: Критично



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ	25	25	25	Экспертная		
ЧП VET PLYUS KLASS	25	25	23	Экспертная		

Критерий №2 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклиф иштирокчиси ишларни ўз вақтида бажариш тўғрисида кафолат хати тақдим қилиши зарур

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ	25	25	24	Экспертная		
ЧП VET PLYUS KLASS	25	25	22	Экспертная		

Критерий №3 Олдин бажарган ишлари тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклиф иштирокчиси охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумот бериши керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ	25	25	25	Экспертная		
ЧП VET PLYUS KLASS	25	25	23	Экспертная		

Критерий №4 Ишчилар тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклиф иштирокчиси тажрибали ишчилари тўғрисида маълумот бериши керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ	25	25	25	Экспертная		
ЧП VET PLYUS KLASS	25	25	23	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ЧП VET PLYUS KLASS	179 118 620.00	179 118 620.00	15.04.2022 10:28:58	9.99
ISHONCH ALO SIFAT	179 118 620.00	179 000 000.00	15.04.2022	10.00



QURILISH MCHJ			10:25:35	
---------------	--	--	----------	--

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЧП VET PLYUS KLASS	81.9	9.99	91.89
ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ	89.1	10	99.1

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 65718 от 15.04.2022 года на приобретение ЖИБ Янгиер ва Гулистон туман суди том кисмини капитал таъмирлаш ишлари учун определила победителем:

ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ  
306608993

и резервный исполнитель: ЧП VET PLYUS KLASS (305167967)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	BEGMATOV FARRUX MAMURJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	BEGIMQULOV HAMZA JO'RAQUL O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	USMANOV MUZAFFAR ERKINOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП















Молиялаштириш жадвали

Объект : ЖИБ Янгир ва Гулистон туман судлари биносини том қисмини капитал таъмирлаш

Пудратчи ташкилот "ISHONSH ALO SIFAT QURILISH" MCHJ  
Қурилиш муддати 20 кун

Молиялаштириш шартлари	Жами	2022йил	
		апрель	
Аванс 30%	53 700 000,0		53 700 000,0
Жорий молиялаштириш	116 350 000,0		116 350 000,0
5% кафолат пули	8 950 000,0		8 950 000,0
<b>Жами</b>	<b>179 000 000,0</b>	<b>0,0</b>	<b>179 000 000,0</b>



*[Handwritten signature]*

Пудратчи



*[Handwritten signature]*

Иш жараёни тартиби

Объект : ЖИБ Янгиер ва Гулистон туман судлари биносини том қисмини капитал таъмирлаш

Пудратчи ташкилот "ISHONSH ALO SIFAT QURILISH" MCHJ

Қурилиш муддати 20 кун

Иш тартиби	Бирлик	Иш ҳажми	Умумий қиймати	2022 йил		Жами
				апрель		
Капитал таъмирлаш	объект	1	179 000 000,0	179 000 000,0	0	179 000 000,0
Шу жумладан 15% ҚҚС			23 347 826,1	23 347 826,1	0	23 347 826,1
Жами			179 000 000,0	179 000 000,0	0,0	179 000 000,0



Бундан ташқари:



Пудратчи:





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyekti) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektari yagona davlat reyestriga

"ISHONCH ALO SIFAT QURILISH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyekti tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ISHONCH ALO SIFAT QURILISH" MCHJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

29.07.2019

747440

Solig to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306608993

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, Istiqol MFY Yangi qurilish ko'chasi, 13-

uy,

Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomondan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

Tashkiliy-huquqiy

shakli:

Joylashgan joyi:

Guvohnoma:





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сирдарё вилояти

Sirdaryo viloyati 120100, Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, Hondamir ko'chasi, 7-uy, Tel. +998 67  
226-06-61, E-mail: sirdarya\_davekspert@mail.ru, www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Gaimov Bo'riboy Xolbayevich

Sana: 22-12-2021 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 28895**

**Obyekt nomi** «Sirdaryo viloyati JIB Yangiyer va Guliston tuman sudlari binosini tom qismini mukammal ta'mirlash»

**Buyurtmachi** - SIR.VIL.HUDUDIY BO`LIMI

**Bosh loyihachi** - ART HOUSING MЧЖ

**Litsenziya** АЛ-000887 17.06.2020й

**Moliyalashtirish manbai** - Byudjetdan tashqari mablag'lar

**Bosh pudratchi** - tannlov asodida

**Qurilish turi** Mukammal t`mirlash

**Murojaat raqami:** № 28246

**1. Loyihalash uchun asos**

Nuqsonlar qaydnomasi. Topshiriq.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

1. 2021 yil 14 dekabrda smeta hujjatlarining ekspertizadan o'tkazish to'g'risidagi 28246 sonli elektron murojaat.

2. Buyurtmachining 14.12.2021 yil № OSD-20-325 sonli xati.

3. Buyurtmachi tamonidan tastiqlangan - Nuqsonlar qaydnomasi.

4. Loyihalashga topshiriq.

5. Tom rejasi(plan krovlya).

6. Smeta hujjatlari. Umumiy qymati -183 977 790 so'm (15% QQS bilan 180 007 215 so'm). Ob'yekt lokal' - resurs smeta hisoblari.

6. Smeta hujjatlarini tayyorlash ishlarini bajarish uchun 3.12.2021 yil 7982257 - sonli shartnoma

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

Smetada quyidagi ish turlari kuzda tutilgan: tom qismi shifer qoplamasini, obreshetka



demontaj ishlari, profnastil qoplama qoplash; tarnovlar o'rnatish; jelob, konyok; snegoderjatal' o'rnatish; parapet alyupan qoplamani demontaj va montaj ishlari; metal zina montaj ishlari ko'zda tutilgan.

#### **4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

#### **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

Smeta. Nuqsonlar qaydnomasi. Topshiriq.

#### **6. Ekspertiza natijalari.**

Joriy narxlardagi resurs smetasida quyidagilar hisobga olingan:

1. Ishchi quruvchilarning o'rtacha oylik ish haki 1 odam/soat 17410,76 sum qilib olingan (2021 yil 3 chorak 12% bilan).

2. Pudratchining boshqa xarajatlari - 17,27%.

3. Transport harajatlari 5%.

4. Qo'shimcha qiymat solig'i 15%.

Qurilish materiallari qiymati 2021 yil 3 chorak katalog asosida shakllantirilgan.

smeta qiymati buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan.

1. Smeta hujjati buyurtmachining e'tirozlarisiz ekspertiza ko'rigiga taqdim etilgan.

2. Smeta hujjatlarini ko'rib chiqish jarayonida o'zgartirish va tuzatishlar kiritilishi natijasida, smeta ko'rsatgichlari 4 349 268 so'mga kamaytirilib (ish xaki 1 005 858 sum, *mashina-mexanizmlar harajatlari- 70 292 so'mga, kurilish materiallari - 2 352 236 sum, buyurtmachining boshqa harajatlari - 432 883 so'mga /oshirildi/*), buyurtmachining boshqa harajatlari hamda 15 % QQS bilan hisoblanganda 179 628 522 so'm qilib belgilandi.

3. Smeta hujjatlariga asosan mukammal ta'mirlash ishlarining yakuniy harajatlari buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng, haqiqiy (ijro xujjatlari) nazorat natijalari asosida aniqlanadi.

4. Buyurtmachi smeta hujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda tegishli manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

5. Smeta hujjatlarida ko'rsatilgan buyurtmachi va pudratchining boshqa harajatlari miqdori bo'yicha shaharsozlik hujjatlari ekspertizasi majburiyatni o'z zimmasiga olmaydi.

6. Buyurtmachi va loyiha tashkilotiga o'rnatilgan tartibda ekspertiza tomonidan berilgan kamchiliklarni bartaraf etgan holda loyiha-smeta hujjatlarini o'zgartirish talabi qo'yilgan. Agar ushbu talab bajarilmasa va loyiha-smeta hujjatlari buyurtmachiga to'liq tuzatishlarsiz berilsa, ushbu ekspertiza xulosasi haqiqiy emas deb hisoblanadi.

#### **7. Xulosalar.**

1. "Sirdaryo viloyati JIB YAngiyer va Guliston tuman sudlari binosini tom qismini mukammal ta'mirlash " ishlarini amalga oshirish bo'yicha tayyorlangan smeta hujjatlari kelgusida kelishish hamda tasdiqlash uchun tavsiya etilayotgan cheklangan qiymat miqdori 15% QQS (o'n besh foiz Qo'shilgan qiymat solig'i) bilan hisoblanganda 179 628 522 so'mni tashkil etadi.

Bunda; - Qurilish montaj ishlari 15% QQS bilan - 179 628 522 so'm;

- Qurilish montaj ishlari 15% QQS siz - 152 369 621 so'm;

2. Tavsiya etilayotgan cheklangan qiymat miqdor buyurtmachi va pudratchi o'rtasida shartnoma tuzishga asos bo'ia olmaydi,

3. O'zbekiston Respublikasi 09.04.2018-yildagi 472-sonli Qonuni va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 05.02,2021-yildagi 55-sonli qarori talablariga rioya etilgan holda hamda SHNK 4.01.16-09 me'yorlariga muvofiq tanlov savdolarini o'tkazish uchun obyektning qiymati buyurtmachi tomonidan belgilanadi. Tasdiqlash uchun tavsiya etilgan joriy ta'mirlash ishlari narxi cheklangan qiymat hisoblanib, asosiy qarorni buyurtmachi va bosh pudrat korxonasi tomonidan shartnomaviy munosabatlar orqali amalga oshiriladi.

*Ta'kidlash joizki:*

a) . Smeta hujjatlarida nazarda tutilgan asosiy qurilish materiallari va uskuna (jixoz) larni xarid qilish tartibi belgilangan tartibda O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga muvofiq amalga oshirilishi va asoslovchi xujjatlarga tayanilishi lozim. "Narxlar kelishuvi" to'g'risidagi bayonnoma ko'rsatilgan narxlarning haqqoniyligi buyurtmachi va pudratchi tashkilot, hamda o'zaro hisob-kitob qilishda SHNQ 4.01.16-09 qoidalariga amal qilgan holda eng maqbul narxlar qabul qilinishi nazorati buyurtmachi tashkilot zimmasida qoladi.

b) . Buyurtmachiga loyiha hujjatlarini tasdiqlashdan oldin quyidagiiarni qayta ko'rib chiqish tavsiya etiladi:

- pudratchi boshqa xarajatlarining aniq sarfi;

- "Qurilishning bahosini shartnomaviy joriy narxlarda aniqlash qoidalari" SHNK 4.01.16-09 asosida qurilish materiallari (buyumlar, konstruksiyalar) va skunalarning ishlab chiqaruvchi zavodlarning ulgurji narxlarini o'z ichiga olgan hududiy bozorda haqiqatda shakllangan narxlari, shuningdek bevosita ishlab

chiqaruvchilardan (yetkazib beruvchi), qurilish materiallari birja va yarmarkalarining byulletenlari, qurilish materiallari va uskunalari yetkazib beruvchi tashkilotlarning narxlarining eng maqbullaridan olinishini;

- ish haqi xarajatlarining pudratchi tashkilotning o'tgan 12 oydagi o'rtacha oylik ish haqi darajasidan kelib chiqqan holda bir odam/soat ish haqidan olinganligi.

2. Yakuniy harajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng, haqiqiy



(ijro hujjatlari) nazorat natijalari asosida aniqlanadi .

3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 11.06.2003-yildagi №261 qarori bilan tasdiqlangan "Qurilish obyektlari narxini joriy shartnoma narxlarida aniqlash tartibi to'g'risida vaqtinchalik qoidalar"ga va SHNK 4.01.16.09 ga binoan qurilishning narxi tavsiyaviydir. Tavsiya etilgan bahoni qabul qilish qarorini buyurtmachi va pudratchi birgalikda qabul qiladilar (SHNQ4.01.16-09, 6-bob. 6.4 -bandi).

4. O'zbekiston Respublikasi SHaharsozlik kodeksi 4-bob 23,24,25- moddalari xamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 17.09.2021 yildagi №579 - sonli qarorining 1 - ilova 3 - bob 29 - bandiga asosan "Ekspert tashkilotiga taqdim etilgan shaharsozlik xujjatlarining sifati, dastlabki ma'lumotlarning xaqqoniyligi va qabul qilingan loyiha yechimlari bo'yicha buyurtmachi hamda loyiha tashkiloti javobgardir".

**Bosh mutaxassis:** Toshbayev O'ktamjon Abdurayimovich